

Драматургия санъатида ханузгача

Шекспир билан хеч ким тенглаша олгани йўк. Унинг номи ёнига факат

унинг ўз номинигина ёзиш мумкин...

В.Г.Белинский

|

Инсоният тарихи – алохида шахс ёки маълум бир миллат хохиш-иродаси билан хисоблашмайдиган бир тарих. Ўткинчи нарсалар, тасодифий ходисаларни четга суриб-супуриб ташлаш – бу тарихнингadolати эрур. Инсонийлик шон-шарафига дахлдор хар бир максад ва хакикат унда сараланиб боради. Абадият талаби, бокийлик мезонларига мувофик келмайдиган хеч бир интилиш, хеч кандай зафар бу тарихдан ўрин тополмайди. Тарихий кисматнинг дахлсизлиги, ибратли бир томони хам мана шунда. Буни англаш ва баҳолашда тарих билан адабиёт орасида жиддий фаркланиш йўк. Лекин тарихга караганда адабиётнинг имконият ва имтиёзи кенгрок. Чинакам адабиёт борлик ва йўклик ўртасидаги бир мавжудлик. Адабиёт фанони –бакода, бакони – фанода кўрсата олса, ёмонликдан бутунлай йирок эзгулик, тубанликдан айри юксаклик бўлмаслигига инонтира билса, у – кўнгил меҳнати, сўз санъатидир. Чунки яхшиликни кадрлаш учун – ёмонлик, ёмонликка карши курашиш учун яхшиликнинг мавжудлиги шартдир. Акс холда харакат сусайиб, завқ барҳам топади. Завқ эса фаркланишдан тугилади. Фарқ йўколса, унда йўклик олами бошланади. Шунинг учун буюк ижодкорлар дунёнинг оку кораси ва беомон зиддиятларига нисбатан бошкacha карашади. Санъат маслаги, энг аввало, илохий, ана ундан сўнг хаётий, инсоний, миллий ва замонавий маслак эрур. Даҳо ижодкорларни шу маънода пайғамбарларнинг содик издошлари, яъни нубувват йўлининг толмас давомчилари деса, янглиш бўлмайди. Виждон карвонига шулар сарбонлик килишган. Башарият хаётидаги энг буюк галаба – рух ва тафаккур галабаси эканига одамларни шулар инонтириб келишган.

Вильям Шекспир хам “черик чекмай” дунёни забт этган адабиёт кироли эди. Жаҳонда канча халк ва элат яшаса, Шекспир айтарли хаммасининг меҳр-мухаббатини козонган. Дунёдаги бирор-бир миллий тил бўлмаса керакки, Шекспир қаҳрамонлари унда гапирмаган бўлса. Кирол Лир ё Хамлет, Отелло ёки Клеопатрасиз кайси юрт театр сахналарини тасаввур этиш мумкин? Шекспир дахоси – бу энг олий маданият тарозуси демак. Ўзининг батакрор гўзаллик оламида дунё санъати, маданияти ва маънавиятини бирлаштириб – марказлаштиришга эришганлардан бири хам буюк Шекспир эди.

Вильям Шекспир 1564 йили Англияning Эйвон дарёси соҳилида жойлашган Стратфорд шаҳрида тугилган. Ўзига тўк, серфарзанд бир оиланинг у учинчи боласи эди. Отаси Жон Шекспир Стратфорд хокими вазифасида хам ишлаган. Вильям оилада яхши тарбияланган, мактабда муҳаббат билан ўқиган. Ўн саккиз ёшида Анна Хазавей исмли кизга уйланган. Ундан бир киз, бир ўгил кўрган. Кизнинг исми Сюзанна, ўглиниги Хамлет бўлиб, ўн бир ёшида вафот этган. Шекспир йигирма уч ёшида Лондонга кўчиб кетади. У ерда театр жамоасига якинлашади. Жеймс Бербеж раҳбарлигидаги труппада фаолият кўрсатиб, кейин “Глобус” театрида ишлайди.

Тасаввур этайликки, тарих бир эврилсаю, түрт юз йил мукаддам Англияда, хусусан, драматургнинг она диёри Страфортда яшаган халойик йигирманчи аср одамларининг Шекспирга эхтиромини кўрса, жаҳон ахлининг Шекспир дахоси хакидаги фикр-мулоҳазасини эшитса – нима бўлурди? “Бокиб бу савдо”га, албатта, улар хайрону лол котишарди. Ёзган асарлари нари турсин, Вильям Шекспир деган хоксор, заҳматкаш ва ўртахол бир драматург, шоир борлигини хам билмаган кимсалар (хатто кирол саройи ходимларидан бири унинг фамилияси кандай ёзишини билмай – Шахбирт деб ёзган экан), юртдошларининг жаҳонга донг таратиш сабабларини каёндан тушунишсин? XVIII аср охирида Шекспир драмаларига муҳаррирлик килган Жорж Стивенс ёзади: “Бизнинг Шекспир хакидаги бор-йўқ билганларимиз шу: у Стратфортда тугилган, уйланган, фарзанд кўрган. Лондонга борган, марказда актёрликни эгаллаган. Пьесалар ва шеърлар ёзган. Стретфортга кайтган. Васиятнома колдирган ва ўлган”.

Шарқдаги айrim сўфий ва мутасавифлар шон-шуҳратдан кочиб, ёзган асарларига исми шарифларини ёзишмаган. Шекспир эса китоб нашри билан кизикмаган. Сонетларидан бўлак хеч нима яратмаганида хам, у дунёнинг улуг шоирлари даврасидан ўрин эгалларди. Аммо сонетларни хам тириклигида чоп эттиргмаган. Умуман, Шекспир шов-шувсиз, кўпчилик назаридан четрокда сокин яшаш, ижодий ишга кўпроқ вакт ажратишни макбул билган. Унинг шахсиятига доир маълумотлар шунинг учун хам оздир. Драмаларининг бошка муаллифларга нисбат берилиши – Шекспирнинг хаддан зиёд камсукум ва камтаринлиги бунда хам “хисса” кўшган бўлиши эҳтимолдан холимас. Ижодининг ilk боскичларида Шекспир шеър, достон, комедия, хроникалар битган. Замон, макон, жамият, давлат ва инсон муносабатларини тадрижан, яъни тарихий йўлда бадиий тадқик килишга у енгилмас эҳтиёж сезган. Натижада “Ричард III”, “Ричард II”, “Кирол Иоан”, “Генрих IV”, Генрих V” каби катор драмаларини яратган. Шунингдек, “Ёз кечасидаги туш”, “Венеция савдогари”, “Бунисига нима дейсиз?” деб номланган ва кўнгилга шодлик, кувноклик багишлиовчи комедиялар ёзган.

Шекспир хаёт ва турмуш кувончларидан кайгуга караб юрган, одам такдири, руҳиятидаги зиддиятларни бутун кескинлиги, шафкатсизлиги или ёритишга киришган ижодкор эди. “Ромео ва Жульетта”, “Юлий Цезарь”да бу тамойил дастлабки ифодасини топгандир. 1601-1608 йиллар оралигига яратилган “Хамлет”, “Отелло”, “Кирол Лир”, “Макбет”, “Антоний ва Клеопатра” трагедиялари дунё драматургиясининг мўъжизаси эди.

Шекспир унча узок умр кўрмаган – эллик уч йил яшаган, холос. Хаётининг йигирма йилдан зиёдрогини ижодий меҳнат билан ўтказиб, нихоят “Киш эртаги”, “Цимбелин”, “Бўрон” деган асарлар хам ёзив колдирган.

Адабиёт, аслини олганда, нафсдан кўнгулга, кўнгулдан рухга, рухдан сирга, ундан маъно ва моҳиятга юксалиш демак. Бу “маком”ларнинг хар бирида талантли ёзувчи инсон шахсиятини янгича кўриб, янги-янги ўзгаришларда мушоҳада этади. Шекспир шуларнинг барига эришган. Хис-туйгу “ойна”сида одамнинг асл киёфасини кўрсатиш, нафс ва кисмат талошларини хол тилида акс эттириш Шекспир драматургиясининг энг жозибали хусусиятларидандир. Унинг баъзи каҳрамонларидаги эхтирос тугёни – табиат тўфони, борлик бўронларидан колишмайди...

Мавлоно Жалолиддин Румий бир шеърида ёзади:

Ту шахвати хешро лакаб ишк нихй,

Аз шахват то ишк раҳи бисёр аст.

Мазмуни: Эй инсон, сен ўз вужудий орзу, нафсоний хавойу хавасларингга ишк деб ном

бермагил. Шахватдан то ишккача бўлган йўл жуда йирокдир. Инсоннинг оғир хато ва адашувлари хирс ё эҳтиросни мухаббатдан ажрата олмаганлиги туфайли келиб чиккан. “Антоний ва Клеопатра” қаҳрамонларидан бири, Марк Антонийга “Агар тақдир сени Миср маликасига учраштирганинг, дунё мўъжизаларидан бирини кўролмасдинг”, дейди. Ҳак гап. Жисмоний куч-кудрати ярим дунёни ларзага солишга кодир Антоний эса шахват кули эди. Клеопатра ўзини илонга чактириб ўлади. Чунки ўша илон – аёллик икболини назарга илмаган хукмронлик гурури, сиёsat хирси маликанинг ичидаги эди.

Антонийни йўқотгач, у буни англаб етади:

Йўқ, мен подшо эмасман, бир хотинман, холос.

Ва мени хам олакурок хислар, сезгилар

Ургочи бир маҳлук каби измига солар...

О, канийди, шу шохона тожу асони

Тангриларнинг тумшугига караб иргитсан...

Шуни олдин ўйлаб, аввалрок малика шундай карорга келганда олам гулистон бўлурди.

Клеопатра унда Миср маликаси эмас, ўзга бир аёлга айланарди...

Бу дунёнинг феъл-атвори галати. Негаки найранг ва тушункисиз ишлари хам кўп.

Мардни goho номардга муҳтож айласа, goho оқил ё одилни жоҳил дастига топширади.

Башар манфаатини ифодалайдиган маданий-маънавий кашфиётларни хам баъзан бир пулга арзитмаслиги мумкин. Бу гапни тасдиклайдиган далил бехисоб. Хўш, дунё канака борлик ўзи? Одам иштирокисиз унинг яхши-ёмонлиги, кайгу-кувончи, шафкат ва бешафкатлигини назарга келтириб бўладими? Инсон бошига ёгилган кулфат ва мусибатлар учун “даҳри дун”ни коралаш Шарқ шеъриятида бир “мода” даражасига олиб чикилган. Бундай танкидни тўла кабул айлаш тўгри эмас. Кийнаса инсонни – инсон кийнайди, эзса – инсон эзади, бир-бировини азоб-укубатларга гирифтор килиш хам одамнинг ёзуги. Бас, шундок экан, нимага ха деб дунёни сўкиш, коралаш керак? Айни хам, айбордорни хам ўз номи билан айтса бўлмайдими? Бўлади. Тахлика ва кўркувни ким енгади? Каҳр. Жазо. Кийнок. Ким буларни елкалашни истайди? “Баттол” дунё эса хеч кимсанинг ёкасига ёпишмаган, ёпишмайди хам, хеч бировни зиндонга тикиб, дорга осмаган, осмайди хам. Шекспирнинг тарихий хизматларидан бири шундаки, адабиётни у умумий норозилик, предметсиз, яъни мавхум айблашлардан кутказиш учун жон куйдирган. Унинг асарларида айбга – айбдор, гунохга – гунохкор масъул. Ёмонлик учун хам, эзгулик учун хам жавобгар инсоннинг ўзидир.

## II

Шекспирдан мерос ўттиз етти драмадан ўттиз тўртининг сюжети ва мазмуни хар турдаги бошка асар ё манбалардан олиниб, “Кирол Лир” трагедиясига Холиншед “хроникалари”га кўпроқ таянилганлиги илмда айтилган.

Бундок карапандан, ушбу трагедиянинг бошланишида фожиа ё бир кулфат нафаси сезилмайди. Картайган кирол елкасидан “давлат юкини” “ёш, навқирон елкаларга” оширмок учун мол-мулкини уч кизига бўлиб беради. Сарой ахли йигинида у ёлгиз бир нарсани билмок истайди:

Хулласки, кизларим, айтинг, бугун сизни деб

Давлат билан салтанатдан кечар эканмиз,

Ким ортикроқ ардоклайди, севади бизни?

Сизда канча баланд бўлса меҳру окибат

Бизда шунча юксак бўлур химмат, саховат...

Гапни тўнгич киз Гонерилья бошлаб, булбули гўёдай сайрашга тушади:  
Отажоним, меҳрим нечук баён айлайнин?  
Ардоклсиз кўзим нури, эрку нафасдан.  
Кимматлисиз жаҳоннинг бор бойликларидан,  
Хаёт, номус, саломатлик, хусну хавасдан...  
Бу чечанлик замирида манфаат ва риё яширганини Лир жаноблари фахмлолмайди.  
Кизга катта мулк инъом этади. Ўртанчи киз – Регана эса сўзни муҳтасар килади:  
Опам билан бирдек бизнинг табиатимиз,  
Кийматимиз айни. Менинг айттар сўзимни  
Опам айтиб бўлди, айтди муҳаббатимни...  
Регана хам опасиникидан кам бўлмаган хиссага эришади. Навбат кичик киз  
Карделияники. У жим. Отасининг “Сен нима дейсан, кизалогим?” деган саволига “Хеч  
нарса, шохим”, дея жавоб беради. Хушомад, сунъий лутфу назокатларга ўрганиб,  
кўнишиб кетган кирол бу “совукконлик”ни кабул килолмайди. Тийнати топ-тоза  
фарзандини, хуллас, хе йўқ, бе йўқ ок килади.  
Бийрон тиллар бирданига танглайга ёпишади-колади. Хамма сукутга чўмади. Лекин Кент  
деган бир зотнинг овозидан жимлик бузилади. Кент – саройдаги яккаю ягона бамаъни,  
хакгўй мулоғим. Фожиани олдиндан пайкайди. Киролни у инсофга чакиради:  
Ўзингни бос, газабингни жиловла, шохим,  
Тожу тахтинг берма. Бошим гаров кўяман,  
Кенжা кизинг муҳаббати сенга зиёда,  
Камсукумлик – каммехрлик дегани эмас...  
Аллакачон тўгри сўзга токати колмаган шох Кентни хам юртдан бадарга килади:  
Мукофотим, сенга беш кун муҳлат бераман,  
Тайёргарлик кўриб, олис сафарга отлан...  
Шундай килиб, Англия киролига бирин-бирин кора кунлар юзлаша бошлайди.  
Мамлакатдаги умумий ахвол ва аянч вазиятга саройдаги нуфузли амалдор, катта ўйинчи  
Глостер таъриф бериб дейди: “...Мухаббат сўниб, дўстлик соврилиб, ога-инилар  
бир-бирлари билан кир-пичок бўлишади. Шахарда исён, кишлокларда галаён,  
саройларда хиёнат авж олиб, ўгиллар, оталардан юз ўгиради... Кирол билан бoggлиқ  
можарони олиб каранг – ота кизига муҳолиф. Каҳру-газаб, соткинлик, халокатли  
ур-сурлар энди кабргача бизга хамроҳ бўлади...”  
Шаханшоҳ булардан бехабар – гафлатда. Факат унга макбул, каҳр-газаб кўзгамайдиган  
вокеа-ходисалардан хабар берилади. Кўпчилик бир-бирини алдаб-аврайди, айни пайтда  
сарой маъмурлари бирлашиб битта одамни – Киролни алдашади. Юкоридаги гапларнинг  
бир учини Глостер Лирга етказиши мумкин. Йўқ, у мик әтмайди. Хамтоворлари катори  
подшоҳнинг тизгинсиз каҳр-газабидан кўркади.  
Хокимият борки, менда кудрат, иктидор,  
Оғизларни муҳрлашга етади курбим...  
Лирнинг бош ақидаси, асосий амали шу. Салтанатни у доимо худди шу тарзда бошкарган.  
Ва сўнгги нафасгача кудрат, иктидор менда колади, деб ўйлаган. Уни, аввало, киз ва  
куёвлар довдиратади. Ёлгон хурмат-эхтиром деворлари шунда кулаб, меҳру окибат  
“парда”лари чок-чокидан сўклилиб, - йиртилиб кетади. Алданиш Кирол Лирнинг  
гирибонига ёпишади. Тожу тахт, шону шуҳрат, иззату икромга ноил айлаган кисмат –  
канча баланд кўтарган бўлса, уни ўшанча ерга уради. Канча сийлаган бўлса, ундан-да  
ортик тахкирлайди.

Мамлакатни оғзига каратган, халку халойикни сўзсиз-садосиз бўйин эгишга мажбурлаб келган хокими мутлак таҳтидан четлашгач, масхарабози таъбири билан айтганда, “ракамсиз нул”га менгзаб колади. Хийла ва хиёнат кекса киролни кулфат ўпконига иргитади. Шундай жазога у лойик эди. Давлат тепасида экан, икки оёкли шайтон киму – одам ким, манманлик, худкомлик огуси нимаю - химмат ва виждон кимёси нима – булар хусусида Лир бош котирмаганди. Унингча, подшохлик давр-даврони кандок улугвор бошланса, охиригача шундок давом топиши лозим эди. Ёши саксонга боргандга руҳида бир бўрон галаён солмагунча, хакикатни англай олмаслигини, садокат дегани – садокатсизлик, куч-кувват дегани – ожизлик, нотавонлик бўлиб чикишини у хаёлга хам йўлатмаган. Махрумият алами Лирни фикр кенглигига олиб чикади – “таҳт бебако, дунё бевафо”лигини англайди. Оддий одамлар турмушини билгач, кўзи кўр, кулоги кар бир холатда яшаб, умри хатолик, адашув ичида ўтганлигига хаёт уни икрор килади. Кечикиб, кутилмаган зарбаларга йўликиб – акл-хушни бой бериб бўлса хамки, Лир дунёнинг аччик хакикатларини, хусусан, давлат ишларида одамийлик, меҳр-садокат хомхаёлдан унча фарқланмаслигини англашга муваффак бўлади. Кирол Лир шу жихатдан кўнгилга якин, ачинишга лойик қаҳрамон. Мустабидлик уни халокат гирдобига иткитганда, одамийлик, асл одамлар кўмаги уни хаётга кайтарди. У хеч бўлмаса Кент ва Корделияни кадрлай билганида, азоб оловига эҳтимол бунчалик коврилмасди. Била-кўра кабоҳатга унинг йўл бериши хам ажабланарли. Ахир, салтанатга харом ва харомзодаларни якинлатиб бўладими?

Шекспир давлат, хокимиётдаги ботиний зиддият, кўзга ташланмас талашувларни тасвиrlаганда, акл бовар этавермайдиган ходиса ва тақдирларни китобхон мухокамасига ташлайди. Масалан, “Кирол Лир”даги Эдмундни эслайлик. У – Глостернинг хароми ўғли. Жисму жонида шумлик, ифлослик кайнайдиган шу нобакор хам отасининг капиталида – сарой хизматчиси. Маккорлик илиа калтабин Глостерни ўзига у оғдириб олади. Халол, мард, тадбиркор ўгил Эдгардни отадан ажратиб, ота дилида душманлик ўтини ёқади. Глостер эса “айшу ишрат”дан тугилган болани конуниј ўглидан кўпроқ суяди. Маълум бир муддат содик фарзанд ролини бажаргач, Эдмундининг асл киёфаси очилади. У Яго, Ричард III, Макбет кавмидан – ашаддий шухратпараст, худбин. Максад йўлида хар бир нарсани мижжа кокмай курбон айлайди. Эдмунд аввал акаси Эдгарга тухмат килиб, унинг кувилишига эришади. Сўнгра мартабада баландга чикиш учун отаси Глостерни дарбадар Лирга хайриҳоҳликда коралаб, иккала кўзини хам ўйиб олинишига кўмаклашади. Асириқдаги Лир ва Корделияни ўлимга жўнатади.

Унинг “Харомзодаларни ўзинг кўллагил, Худо!” деган илтижоси ижобат бўлгандай, Лирнинг икки кизини хам бошини гангитиб, опа-сингил орасидаги ракобатни душманликка айлантиради. Эдмундни деб Гонерилья бева синглиси Реганани захарлайди. Эрига хиёнати фош бўлгач, Гонерилья хам ўзини ўлдиради. Булар даҳшат ва кўркинч эмасми?

Кирол Лирнинг тақдири оила ва фарзанд, давлат ва шахс, амал ва ахлок, нафс ва виждон сингари ўнлаб масалалар хусусида тўхтовсиз мулоҳаза-мушоҳада юритишига кенг имкон беради. Бадиий асарнинг бокийлиги хам шунда.

### III

Кирк ёшга якинлашганда Шекспир ижодиётида фожиавийлик пафоси устунлик кила бошлиди. Кўпчилик эътироф этганидек, “Хамлет” Шекспир адабий меросининг чўккиси. Бу юксакликни ишгол айлай олган иккинчи бир асарни дунё адабиёти ханузгача

билимайди. Эхтимол шу боисдан хам энг тилга тушган, энг кўп ўкиб-ўрганилган ва карама-карши фикр-мулохазалар “бозор”ини энг кўп кизитган китоб хам “Хамлет”дир. “Хамлет”ни Шекспир ўттиз етти ёшида яратган. Демак, у - ижодий куч тўлиб-тошган, фикр-карашлар тиниклашиб-теранлашган, рухоният хадди аълосига кўтарилган бир фаслнинг маҳсули.

“Хамлет” 1601 йилда сахнага кўйилади. 1603 йили нашр килинган. Орадан бир йил ўтгач, кайта босилади. Бу нашрдаги матн жиддий ўзгартирилган ва кенгайтирилган эди. Улкан шекспиршунос А.Аникистнинг ёзишича, айнан иккинчи нашрда асарнинг фалсафий мохияти чукурлаштирилиб, Хамлетнинг мутафаккир сифатидаги киёфаси бутун мураккабликлари билан ёритиб берилган.

Хамлетнинг “шахсий варака”сида дунё фарзанди, жаҳон қаҳрамони деб битилган. Унинг руҳи оламни тўлдиришга кодир. Хамлетга кўшилиб унсиз фарёд чеккан кишини эъзозлаш лозим. Демак, Хамлетни тушунадиган, дунёга файласуф, мутафаккир кўзи билан карайдиган битта шахс ортган. Хамлетдан кўп нарса ўрганса бўлади. Масалан, шоирлик ва файласуфликни, мутафаккирлик ва ҳакпастликни, тўғрилик ва азоб-укубатга тахаммулни, бурчга садокат ва муросасизликни. Айтаверса, булар бисёрдир.

Хамлет фазилатга бой, хислатга кон Шахс бўлмаганида, жаҳон минтакаларида яшай олмас ва инсонлик шарафи, диёнат матлаби учун то хануз курашолмасди. Хамлет калбидаги ёлкин Прометей оловидан ёруг ва хароратлирок. У ботинни нурлантиради, инсонда ўзига ишонч хиссини кучайтиради. Аланга ичиди куймасликни, “мени писта пўчогига жойланг, ўшанда хам ўзимни сарвари коинот деб хис киламан”, дея олиш сир-асрорини ўргатади. Хамлет шахсияти оркали ўзини англашга жаҳд этган кишида ахлокий заифлик, руҳий ногиронлик, аклий маҳдудлик билан видолашувдан ўзга чора колмайди. Чунки у ўзни тахлил килиш “тажриба”сини ўргатади. Хамлет – давлат одами. Хамлет – оила посбони; жамият гамхўри. Хамлет – шараф ва номус касоскори. Хамлет – таназзулга гирифтор бир салтанат келажаги. У – ошик, содик ва фидоий. Оламни кучокка сигдириб бўлмагани сингари, Хамлет табиатини тўла-тўқис кашф айлаш имконсиз. Бирок сиртдан каралса, Хамлетни билишдан осони йўқ: хиёнатдан какшаган бир валиахд. Амакининг кўли кон, она жиноятга шерик... Онг ва идроки унинг котилликни аниклаш билан банд. Бирок ишончли бандани топиш амри маҳол. Ўз ёгига ўзи коврилавериб умидсизликка тушгач, ўлим – нажот, сукут – фарогат деган карор ила нихоят...

Кўполрок равишда белгиланганда, булар Шекспир тасвирлаган фожианинг “пўчоги”. Магизни пўчогдан, ботинни зохирдан айириш эса ўкувчига хавола. “Хамлет” матнида фикр, мазмун бир “катлам”ни ташкил этса, рух, туйгу, кайгу, мохият бир неча катламда аксини топган. Булардан хар бирининг ранг, оханг, сир, ҳакикат, ўзаро бирикиш ва таъсир йўлларини бехато аниклаш ва англаш – дарё сувини арикка сигдиришни кўзлашдай бир гап. “Хамлет”нинг такрорланмаслиги балки шундадир.

Асар гояси – бу! Кўзланган максад – мана бу! Илгари сурилмокчи бўлган сарбон туйгу, бош ҳакикат ана бундай! Шекспирда бу хил муддао йўқ. Бир рангда камида у тўрт-беш рангни уйгунлаштирган, бир охангда оз деганда, ўндан ортиқ нола ва садо аксини берган. Бирор корани тезрок кўради, бошкаси кизил ёки яшилни. Кимнингдир эшитгани фигону нола, кимдир агадият симфониясини тинглайди... Хамлет образи хусусида сўзлаганда масаланинг ана шу томони билан хисоблашиш шарт.

Накл килинишича, парилар емак емас, хид билан яшашар экан. Бутун умри мобайнида уларнинг иши ёлгиз хаёл суриш бўларкан. Чунки парилар хаёлдан яратилган эмиш. Шу боис пари зоти хакикатни хушламас – хаёлдан яйрашаркан. Севгиси хам хаёл экан. Кўркоклар хам париларга якин бўлиб, курашдан, жасоратдан эмас, улар тўгрисидаги чиройли, оромбахш хикоятлардан завкланишармиш. Бундайларнинг журъат йўли орзу, жангу жадал майдони хаёлдан нари ўтмасмиш. Шайх Фарииддин Аттор:

Чи доне ту ки мардон дард чи доранд,

Вале донанд дард онҳоки марданд,

Яъни, мардлар дарди, кандай дардлигини сен каёндан билурсен. Аммо кимларки дардни англаса, ўшалар мард, дейди. Хамлет хаёлда хам, дардда хам мард. Хамлет образини мабодо шарклик бир ижодкор яратганда эди, хол ва фазилатларни албатта, тасаввуфга бояглаб ёритиш зарурияти тугиларди. Шарклик ориф ва дарвишларга Хамлет шу кадар руҳдош. “Мен жон деб сизга бирор нима берардиму, лекин хеч вакоим йўк – жонимдан ўзга, жонимдан ўзга, жонимдан ўзга...”. Унинг бу сўзларини тарки дунё туйгусига соҳиб хар бир киши тез тушунади. Таркни хам тарк айлаган факир ё дарвиш эса яна хам осон англайди.

Тасаввуф ва Гарб дунёси, тасаввуфнинг гарб маданияти, адабиёт ва санъатига таъсири мавзуи бизда деярли ўрганилмаган. Холбуки, XII асрлардаёк гарбликлар тасаввуф таълимотига эътибор каратиб, мутасаввиф олим ва ижодкорларнинг айrim асарларини ўқиб, ўзлаштиришга киришган. Маълумки, тасаввуф маданияти ва тафаккури Ислом маданияти ва тушунчасининг ажралмас бир кисми. Бирор бир шайхга хоҳ мансуб бўлсин, хоҳ мансуб бўлмасин, бу бой ва бекиёс ирфон хазинасидан хар бир мусулмон фойдалана олган ва талаб даражасида буни лозим деб билган. Зеро, “Тасаввуф йўли акл, курук мантиқ, далил ва исбот йўли эмас – кашф ва виждон йўли эрур... Тасаввуф йўлига кириш ва бир тарикат шайхига интисоб этиш Исломда на фарз, на вожиб ва на суннатдир, мусоит шартларга кўра бир фазилат ва камол холи эди” (Ибн Халдун).

Тасаввуф руҳи ва латофати шу боисдан хам гарб зиёлиларини мафтун айлай олганди.

Тасаввуфнинг асосий хусусиятлари нима, сўфиийлик бўстонидан баҳрамандлик учун, аввало, нималарга диккат килиш зарур – бундай саволлар гарб тадқикотчиларини ханузгача жавоб топишга чорлаб келади. Улардан бири ёзади: “Тасаввуфнинг нима эканлигини аслда очик-ойдин таърифлаб бўлмайди. Чунки уни факат сўфиийлик тарбияси ва тажрибаси доирасида англаш мумкиндири.

Нима тасаввуф эмас? Мана шу хакида гапириш ўнгай: у афсона аралаш бир хикмат, Исломнинг ботиний бир жихати, диний бир тизим эмас; арабларнинг яширин бир тарикати, сехр, мистизм ёки анъана деб хам бўлмайди уни. Аммо булрдан хар бирида тасаввуфнинг уруглари бор. Чунки тасаввуф яхлит бир таълимот, маҳсус бир замон ва маконга хос харакат хам эмас. У – шаклсиз харакат. Сўфизм руҳдаги уйгониш жараёнларини бошлайдиган ўзига хос асосдир. Айтиш мумкинки, тасаввуф инсон фарзандининг маънавий-рухий уйгоклигини таргиб ва ташвик этувчи комиллик муждасидир” (“Юнг психологияси ва сўфизм”, Истанбул, 1997, 23-24-бет). Чиндан хам тасаввуф маънавий-рухий бедорлик ва комиллик муждасидирки, гарбнинг Данте, Гёте, Толстой сингари даҳо санъаткорлари уни кўнгул оркали кабул килиб, руҳоний юксалишга хизмат эттиришган. Тасаввуф ва Шекспир ижодиёти мавзуи нихоятда кизикарли. Буни ўрганиш Шарк ва Шекспир деган сарлавха билан бошланиши керак. Шунда тахминларга унча ўрин колмайди.

Шекспир бадиий ижод билан шугулланаётган пайтларда гарб олами Шаркнинг машхур

аллома ва файласуфлари каторида сўфий ва мутасавифларининг фаолиятидан хам яхши хабардор эди. Масалан, Мишель Монтен билан Имом Газзолий шахси ва ижодиёти хакида бемалол сухбатлашиш мумкин эди. Мухиддин Ибн Арабий мероси яна хам баланд хавас илиа ўрганилар, хусусан, комил инсон тушунчасига иштиёк ортиб бораради. Илм-фан ва санъат оркали инсонни камолга етказиш гоясига маҳкам ёпишган Гарб Фаридиддин Аттор, Мавлоно Румий асарлари таъсирида Ишқ ва ирфон тўгрисида хам ўйлай бошлаганди. Зоро, гарбликларнинг нафсга караши, нафсни таниши тамомила ўзгача эди. Яъни нафс куч-куват, хузур-халоват манбаи, шахсий зафар ва муваффакият гарови саналарди.

Хамлет эса инсон ёмон хулк-атвор, тубан хис-туйгулар кули экан, демак, у нафс кули, нафсоний ва шахвоний хирслар малайи, деган тушунчага таянарди. Бир ўринда у “Дарвеш ўзи орзу килган рохатига етади”, дейди. Орзу айлаган рохат-фарогатга Хамлет гарчи эришмаган бўлса-да, моддий дунёнинг конли, кайгули ходисотлари, тахтпарстлик жиноят ва хиёнатлари, бир-биридан жирканч макр ва окибатсизликлар уни хак йўли, хакикат ишқидан четлаштира олмаганди. У гарбнинг дорсиз Мансури Халложи эди...

“Бидъатлардан баланд туриш лозим. Тангри таолонинг иродаси бўлмаса, хаттоки чумчук хам йикилиб тушмайди”. Хамлетнинг ушбу гапларини чукуррок ўйлаган киши конида хукмдорлик туйгуси жўшган шахзода деб эмас, уни чин маънодаги таваккулчи, вактнинг кескир киличидан чўчимайдиган даниялик бир дарвеш деб ўйлайди. Накл этилишича, бир дарвеш ўлим фурсати етганини сезгач, кўзларини очиб кулибди. Ёнидагилар хайрон колиб, бунинг сабабини сўрашганда, у: “Нима учун кулмайин, дунё, шайтон ва нафсдан ажралиш замони якинлашди...” деган экан. Навқиронлигига карамай Хамлетда хам шундай майл кучли эди. Ёшига номуносиб бир равища у тафаккурда илдамлаб, фахм-фаросати жуда эрта нурланиб кетганди. Одамлар онгидаги зулмат ва жаҳолат коронгулигидан кийналиб, бўгилиши унинг сийрат ойдинлигидандир. Ўзгаларда йўк ва ўзида бор нарса шу боисдан уни азобга солади. Ўзи бошкacha бўлолмаганидек, ўзгаларни ўзгартириш осон эмаслигини тан олгиси келмайди.

Дарвеш кўрганини айтади, авом эшитганини – бу фикрнинг Хамлетга бевосита алокадор жихати шундаки, у хам калб кўзи ила кўргани, кўриб мушохада килган нарса ва ходисалардан сўзлайди. Хакикатни билиш ва одам танишда чин дарвеш хато килмаганидек, Хамлет хам бунда адашмайди. Кўрган, таниган, билганлари орасида асл ва самимий инсон ўларок у биргина Хорациони тан олади:

“Сен – бутун бир одамдирсан, яхлит бир инсон”,  
дейди унга.

Омадсиз, бахтсиз кимсалар дили одатда нафрат, газаб ва аламга тўлиб-тошиб ётади. Мавриди келса, келмаса, бирорларга нафрат сочиб, алам азобидан кутилмок бўлади. Шунга якин холат Хамлетда хам бордай туюлади. Агар котил амаки акасини ўлдириб, тахтни эгаллаб, янгасига уйланмагандга Хамлетнинг мавкеи хам, ахвол-рухияси хам бутунлай бошкacha бўлиши мумкинмиди?

Клавдий ўрнида Хамлет ўтирганда салтанат тарбияли, маърифатли бир Шахс тасарруфига ўтарди. Шундай дейишга асос берадиган далиллар эса бир талай. Хамлет – нафсшунос, яъни нафсни жиловлаб, руҳий ва фикрий хаёт завкига толиб бир зот. Бизнинг Бобур Мирзо “Нафс тавсанини ром кил ўзунгга” деса, Хамлет “Ўз нафсидан устун турган дунёда ким бор?” дейди. Бу – “нафс тавсани”ни жиловлай билган кимсани топмадим, дегани эди.

Тожу тахт, салтанатга эришиш йўли, кўп холларда макр ва хийла, гирромлик ва кабоҳат

йўлидир. Хасад ва адоват бунда зудлик ила химмат ва садокат “тўни”га бурканса, ёлгон ва кўркув мардлик, жасорат киёфасида майдонга чиккан. Аслида эса бунака вазиятларда хукмдор – амалдорларига, мансаб ва мартаба эгалари – хокону сultonлariга ишонишмаган. Фитна шундан алангаланган, бири – иккинчисидан конли ва кўркинчли фожиалар таҳт, амал хирсининг хосили эди. Шарқда хам, Гарбда хам шундок бўлган. Хукмдорлик иддаоси ила ота – болага, бола – отага, ога-ини - кариндошга, ини ва кариндош – огага килич кўтариб, кон тўкканки, бу ходисанинг совук сиёки дунёнинг хамма жойида айтарли бир хилдир. Ёвузлик ва берахмлик шу сабабдан у ёки бу давлат тарихининг ажралмас узвига айланиб колган. Хамлетга нечоглик оғир эди: тириклар жим, тириклар жиноятни хаспўшлаш, яшириш билан овора. Отасининг арвохи эса тинчитмайди уни... Кимдан у касд олади – амакиси ва онасиданми? Хасрат ва кулфатини кимга изхор этади? Полоний ва гумашталариғами? Ўз оловида ўзи ёнади. Ўзи айтиб, у ўзи инграйди. Калби “Касос!” дейди. Журъат етишмайди. Журъатсизлик, сусткашлик учун яна ўзини-ўзи айблайди. Ўзига ўзи маломатгўйлик килади:

О, касос – интиком!

Гапнинг пўскалласи шуки, эшшакман, эшшак!

Ахир кимман, ўлдирилган отанинг ўгли,

Дўзах, само интикомга чорлаб турса-ю,

Мен бу ёқда фоҳишадек кўз ёши тўксам.

Ва каргасам бир чўрию чувринди каби!

Туф-ей, лаънат! Уйгон, менинг идроким, уйгон!

Хуллас, Хамлет харакатга тушади. Аммо хакикатни охиригача билмок учун “маданий” бир тадбир ташкил этади:

Актёрлар амакимнинг кўзи ўнгидা

Отам катли сахнасини этсинлар ижро.

Ўзим ундан кўз узмайман. Кўраман, кани,

Кандай таъсир этар? Унда ўзим биламан,

Не килишим лозим бўлса, кейин киламан...

Хаммаси шахзода айтган ва талаб килгандай бўлади: сахнадаги ижро хам, амакининг ахволи хам унга интикомдан ўзга чора йўклигини тўла-тўкис тасдиклайди. Бунда Шекспирнинг трагедия ичида трагедия яратиш, бир трагедия доирасида гўё ўзга бир мустакил фожиани “сахналаштриш” маҳоратига койил дейиш керак.

Асарнинг илк сахнасида онаси билан сухбатлашаркан, Хамлетга у:

Качонгача мархум отанг изини излаб,

Тупрокларга кўз тикасан маъюс, гирёна.

Бу азалнинг буйругидир: тириклик ўлар,

Фонийликдан бокийликка равона бўлар,

дейди. Бундок каралганда, тўғри фикр. Буни шахзода “Ха, азалнинг буйруги шу” дея гўё эътироф килгандай бўлса-да, яна шундай гапни хам айтади:

Менинг гамим бегонадир бўёкка, илло,

Мана мен, деб ўртага хам тушмагай асло...

Демак, “мана мен, деб” юз кўрсатмас жиноятни очиш, аникроги, уни фош кила билишига шахзода аввалданок ишонган.

хамма-хаммасини Хамлетга кўшкўллаб берган. Офелия айтмокчи: у - аъён, у - аскар, у – олим:

Давлат, салтанатнинг умид гули эди ул,  
Назокату нафосатнинг тимсоли эди.

Ана шу малакни Хамлет севган. Мухаббат одамни не-не кийинчилик, не-не азоб-укубат гирдобидан кутказмайди дейсиз? Хамлет эса...

Хеч эсимдан чикмайди: атокли ва оташин шоир Хамид Олимжоннинг Офелия ўлимига багишланган шеърини биринчи марта ўқиганимда юракка шундок бир парча олов ёпишгандай бўлган. Мана бундай сатрлар кандай яралади – сўз билан изохлаш душвор:

Фойда йўқдир, гўзал, золим фалакдан

Канча дод килсанг – у канча шикоят,

Канча ёлворсангу канча тўксанг ёш,

Барибир, аламга бўлмас нихоят.

Канча маъсум бўлсанг, канча вафодор,  
“Кордай ок бўлсанг-у муз кадар тоза”,  
Хеч замон кор этмас, шум фалак бадкор,  
Ўкилур севгингга кора жаноза...

Жавоб бериб кўр-чи, номард табиат,  
Бунчалар гўзални нечун яратдинг?!

Ўзинг гунохкорсан, осийсан бехад,

Нечун яратдинг-у ўтларга отдинг?

Шеър бир гўзалга эмас, умуман, гўзалликка битилган марсияга ўхшарди. Шоирнинг фалак ва табиатга хитоблари жудоликнинг бехад кайгули эканини таъкидларди. Аммо ростини айтсам, “Шубха оташида ёнар тафаккур”, “Занжирдадир севги, кафасдадир жон”, “Севгувчи йигитни солмишдир йўлга, Тунда эртак айтган бир мудхиш арвоҳ” сингари гаплар замиридаги хасратни мен англай олмасдим. Биринчидан, “Хамлет”ни хали ўқимаган бўлсам, иккинчидан, Хамлет ва Офелиянинг фожиаси хам Лайли ва Мажнун, Фарход ва Шириннига монанд бир фожиа бўлиши керак, деб ўйлаганман. “Хамлет”ни кейин ўқидим. Бу –тамомила ўзга бир асар, бошка бир дунё, англашга кучим хали ожиз бир фожиа эди. Аммо Хамлетдан ажралиб, энди йироклашиб бўлмаслигига аклим етарди.

Хамлет ролини сахнада ижро этган хориж актёрларидан бири “Таассурот – бу пьеса”, дейди. Ўкувчи ва томошабин у ёки бу асарни ўқиганда ё сахнада кўрганда шахсий таассурот асосида ўз мустакил бир “асари”ни яратолмаса – на шеър, на драма, на насрый китоб – хеч нарсани у ўртача микёсда хам хис этолмайди. Таассурот тилга кириб, шакл ахтаргандачи? Зўр китобнинг – зўрлиги, бўш ва хомхатала ижод намунасининг яроксизлиги ўз-ўзидан билиниб колади. Чунки “эстетик туйгу” дейилган хис-туйгу сиyrатга ташкаридан олиб кирилмайди – рух ва кўнгилда бори харакатлантирилади. Худди шу учун малакали адабиётшунос олим, ёзувчига нисбатан баъзан оддий китобхон бадиий асарни нозик хис килиб, пухтарок англайди. Ушбу фикрга ёркин бир далил “Хамлет”дир. Бу трагедияни тарихчи, адабиётшунос, диншунос, файласуф, психолог, хуллас, жуда кўп фан соҳаси вакиллари тадқик ва тахлил килишган. Хамлетга берилган таъриф-тавсифлар жамланса, “Хамлет ўзи ким?” деган саволга жавоб беролмай коласиз. Бири Хамлет – жасур шахзода, олим, мутафаккир деса, бошка бири Хамлет –

бадбин ва хаёлпарат дейди. Яна биревлар тасаввурида Хамлет худбин, катъиятсиз; норози ва нотавонлар пешвоси киёфасида кўринади. Уильсон Нойт деган бир олимга кўра, Клавдий “соглом маънавий хаёт” сохиби, хам ўзига, хам атрофидагалариға ишонадиган, фаолиятда эркин, яратувчи хукмдор – “буюк бир инсон”. Хамлет дунёдаги кора кучларнинг тимсоли. Макбет сингари Хамлет хам “ёвузлик гояси ва ўлимнинг куч-кудратини ифодаловчи каҳрамон”. Албатта, бунака гап-сўзлар танқидга хам арзимайди. Хамлет номики, ёвузлик гояси ва ўлим билан бөгланса, эзгулик ва хакикат хусусида ўйлашга хожат колмайди.

Канчадан-канча шоир, олим, адаб ва актёр “Хамлет – бу мен...”, “Хамлет – бу биз...”, “Хамлетнинг фожиаси – бизнинг фожиамиз...” дейишган. Анатоль Франс хаёлан Хамлетга мурожаат килиб, “Шахзодам, Сиз барча аср, барча мамлакатларга мансубсиз. Уч аср мобайнида Сиз зарра кадар кариганингиз йўқ. Сизнинг калбингиз бизники билан тенгдош...”, дейди. Хамлетни тушуниш – унинг идрок оловида ёниш, ўз “мен”ингда Хамлетга бир холдошлиқ борлигига чиппа-чин инонмокдир. Хамлет инсондаги онг ости туйгуларни ўйготиб юборадиган, виждан хали ўлмаган, рух кучи хали сўнмаган бўлса, кимлигингни хар нечук сенга танитадиган Шахс.

“Хамлет”ни кайта-кайта ўкигандан сўнг шунга мен амин бўлганманки, хассос ва жафокаш шахзода “анъанавий” ахлокчиликка хам, якранг фикр-мулоҳазага хам карши.

Атрофдагиларга мухим ва ахамиятли хисобланган нарсалардан аксарияти унга бачкана ва ахамиятсиз; сарой мухитидаги хар бир турланиш ва тусланиш, хар бир маккорлик ва мунофикалик унинг онгиди азоб, идрокида изтироб кўзгайди. Шу учун хам фикр ва мушоҳадада Хамлет фаолдир.

Бир катор олим ва тадқикотчилар ўша давр хаётининг бўгик, тубан ва даҳшатли томонлари – соткинлик, биродаркушлиқ, амалпаратслик; халк ўртасидаги алоказаларнинг бузилиб кетиши Хамлетнинг дунёдан совишига сабаб бўлганини айтишган. Умуман олганда, бу гапни маъқуллаш мумкин. Хамлет дунёкараши ва характерига теранрок нигоҳ ташланса, охирги нафасигача у хаётдан юз бурмаганлиги, аксинча, хаётни булгаган, унинг табиий, мукаддас хакикатларини оёқости килганлардан безганилиги маълум бўлади. Хаёт ярамас, хаёт доголи деган ақида йўқ Хамлетда. Асосий максади, сўнгиз хасарати унинг хаётни, жамият ва мухитни инсон кавми жавр-жафолари – хору зорлик, адолатсизлик, жинояткорлик, гунохкорлик ва хайвонликдан хар калай тозалаш. Инсон киёфасидаги шайтонларга карши Хамлет ўзича жангта киришади. Хиссиёт, эҳтирос, газаб “лашカリ”ни бу жангда олдинга чиқариш ёки тушкунликка берилиш ганим фойдасига хизмат килишини у хисобга олмайди. Инсоф билан айтганда, Хамлетнинг буюклиги исёнкорлигига эди. Ганимлар хам кўл ковуштириб ўтирмасдан, энг аввало, шу исён ўтини ўчиришга интилишади.

Ирода дейилганда, дарвишлар Хак ва хакикатни излаш дарди ила калбнинг харакат бошлиши ва бундан хеч толикмасликни назарда тутишган. Ибн Халдуннинг таърифлашича, “Ирода – хар кандай кўркувни хасдай куйдириб ташловчи калбдаги ёнишдир”. Хамлет калбida айнан шундай олов гурилларди...

## VI

Хамлет – бехад мураккаб, зиддиятли Шахс. Унинг акл ва фикр хаётини яхшиrok билай дессангиз, туйгу, кечинма ва холатларини назардан кочирасиз. Кўнгил ахволини бундок кузатмок бўлсангиз, руҳидаги эврилиш, мистик мушоҳадасидаги сирни илголмай коласиз. Хамлет туйгу, эҳтирос, хаёл кишисидай кўринса-да, у тадқикчи, реалист, ростгўй.

Офелиянинг “Захарсиз, шахзодам, заккумсиз”, деган таънаси асосли – Хамлетнинг тили аччик. Сўзлари киличдай кескир. Унинг фикр-туйгуларини ифодалаш тарзидан чўчиған тадқикотчилар хам бўлган. “Хозир халол киши дегани ўн мингдан биттаси бўлади” дейди у. Юз мингга – ўн, миллионга – юзта халол ва диёнатли киши тўгри келса, бундай жамиятнинг жаханнамдан нима фарки бор?

Бошкаларни яхши билиши учун инсон, аввало, ўзини билмоги зарур, деган тушунча бизда кенг таркалган. Бу эса айни пайтда ўзингда ўзгаларни кўриш дегани. Хамлетда бунинг тескариси. Унингча, “бировни яхши билдингми, бас, ўзингни хам яхши биласан”. Бу “тажриба”дан кайсиси ўнгай ва афзал? Бизнингча, иккинчиси. Негаки, бошкалар билан боғланиш, ўзни киёслаш, кўпчиликка хос фазилат ёки ахлокий иллатларнинг “манба”сини аниклаш кейингисида бир мунча осон кўчади. Чунончи: “У ким?” деган савол айни пайтда “Мен кимман?” деган саволни унутмасликни хам талаб этади.

Озрик исмли бир кимса хакида Хамлетнинг гапини эшитинг: “У эҳтимолки, онасининг кўкрагини хам хушомадлар билан оғзига олгандир. Хозирги хотинмижозларнинг хаммаси хам шунака. Улар юриш-туриш, одоб-назокатнинг факат ташки томонларини эгаллаб олишганлари учун бехад-бехисоб дид ва майллар гирдобида юзага калкиб чикишади, аммо бир пуфласанг, бас, пуфакдек ёрилиб, гойиб бўлишади”.

Одам хам шунча узокни кўриб, тўхтовсиз урчидиган маразликни шунча олдиндан таърифлаши мумкинми? Бизнингча, бу ўринда аввало Шекспирга тан бериш керак. Кайсидир бир маънода, Хамлетда – Шекспир, Шекспирда – Хамлет яшайди. Айрим тушунча ва хусусиятлар Хамлетга мансубми ё Шекспирга – буни баъзан ажратолмайсиз. Ракиблардан бирига Хамлет бундай дейди: “Сиз мени ўз макомингизга солиб чалмокчи бўласиз. Менинг пардаларимни босаман деб ўйлайсиз... Барча паст-баланд пардаларим сизга гўё беш панжадай аён... Мени чолгу деб аташингиз, бузишингиз мумкин. Лекин чалолмайсиз”. Хамлет сингари Шекспирнинг “чолгувчи”си хам ўзи бўлган. Негаки, дунёда фавқулодда сийрак учрайдиган Шекспир каби зотларнинг “Мен”ига дахл килиш мумкин эмас. Ўзи харакатга тушмаса, ўзи оханг таратмаса, ўзи майдонга чикмаса, уларга кўл чўзиш, уларни “чалишга” уринишдан хеч фойда чикмайди. Демак, “Хамлет – бу Шекспир”, дейилиши хам унча эътиrozлимас.

## VII

Олмон файласуфи Ф.Нитше “Дунёни оптимистлар эмас – пессимиистлар кутказади”, дейди. Нимадан ёки кимдан? Буни Нитше очик-ойдин айтмаган. Назаримизда, у риё, ёлгон, ожизлик “лашкар”ларини кўзда тутган. Хамлетдаги “бадбинлик”да хам шиддатли бир халоскорлик кайфияти бор.

Унингча, инсондаги хамма ёмон сифатлар – тамагирлик, хушомад, олчоклик, корчалонлик ва бошкалар - ўзни камситиш ва ихтиёрий равишда ўзни тахкирлаш хисобланади. Кисмат унга “арслон кудратини” бахш айлаганига инонганидан Хамлет ахлокий-маънавий таназзулни тўхтатса бўлади, деб ўйлайди. Лекин хаёт уни шундай аччик хакикатларга юзлаштирадики, инсоннинг феъл-атвори, ижтимоий, маданий киёфасини ўзгартириш муаммоларнинг энг муаммоси эканини у тан олишга мажбур бўлади. Шунда хам Хамлет инсон хакидаги олий тушунча ва икрорларидан чекинмайди. Хамлетнинг мутафаккирлиги хам ана шунда. “Сўнгги пайтларда негадир бутун хушчакклигим ва машгулотларга бўлган иштиёкимни йўкотиб кўйдим, - дейди у. – Шу кадар шикастаманки, шу коинот гулшани, шу курраи замин кўзларимга унумсиз, тап-такир бир коя бўлиб кўринади, самовотга туташган мана шу чексиз хаво чодири, заррин шуълалар билан музайян ана шу шохона гумбаз назаримда, кўланса ва захарли

бугларнинг йигиндисидир, холос. Табиатнинг кандай ажойиб хилкатидир инсон! Унинг заковати канчалар баланд! Лаёкати накадар чексиз! Суврат ва сийрати накадар мумтоз ва мукаммал! Туриш-турмуши фаришталарга накадар якин! Назар-нихояти Тангри таолога канчалар карин! Оламнинг зийнати! Тамоми тирикликтинг тожи давлати...” Модомики шундай экан, Хамлетнинг одамлардан нима учун хафсаласи пир бўлади? Офелиядан хам совиб, ўлимга – била туриб, нега ажалга кучок очади? Хаёт ва мамот масаласини у ўзича шундай хал килган эди:

Ё хаёт, ё мамот: масала шундок.

Жоизмикин ул жобириу жаббор фалакнинг

Жафосига хар дакика чидаса юрак?

Ё балолар денгизига кўндаланг бўлиб,

Койишлару ташвишларга чек кўймок керак?

Ўлиш. Ўзни унутиш. Бас, тамом – вассалом:

Рухий изтироблар, таннинг азобларига

Биламизки, чегарадир шу оғир уйку...

Бу фикрларни хар ким хар хил кабул килиши, акл ва тафаккур даражасига караб турлича изохлаши ёки баҳолаши табиий.

Кимдир “Бу – гирт ожизлик!” дер. Бошка бирор “Бу – касалманд хаёл хукми”, деб айтар.

Яна кимдир бундан хам кескинрок гапирав. Хамлет эса бундай эътиroz ва айномаларга “Одамнинг энг биринчи вазифаси ва олий бурчи – Одам бўлиш”, деган жавоб билан кифояланарди. Унинг ўзидан хам, ўзгалардан хам асосий талаби шу. Ихтилофга туб сабаб хам мана шу.

Шарқда акл – акли кулл, акли жуз – улуг акл ва кичик акл дея иккига ажратилган. Акли куллга – илохий акл, акли жузга – акли маош, турмуш ва тирикчилик ташвишларидан четга чиколмайдиган акл хам дейилган. Башариятнинг асосий кисми хамиша паст боскичдаги акли жуз бошкарувида кун ўтказган. Бу акл одамни моддий оламга болгаб, парчинлаб ташлаши боис ўзининг тор, бикик чегарасидан нарини кўриш, шаходат дунёсидан йирокроқдаги ходиса ва хакикатлар мушоҳадасига изн бермаган. Ва маърифат, ишқ кашф килган нарсаларни ёлгонга чикариб, инкор килган. Холбуки, факат суратни кўриб, ёлгиз зохирга суюниб, хакикат дейиш – бу тинимсиз зайлда шайтон ишини тақрорлашнинг худди ўзи. Агар Иблис Хазрати Одамнинг тупрогдан яратилган вужудини кўриш билан чекланмасдан, унинг рухи, диний салоҳиятини хам англай билганда эди, балки, Хакнинг каҳр ва лаънатига йўлиқмасди. Хеч шак-шубха йўкки, Хамлет “Хаммамизни кўркок килиб кўяр тафаккур, Нокис акл сочган ўша хира шуъладан, Азму карор ранги учиб, бўзрайиб колур...”, деганда акли жуздан юзага келадиган авбошлиқ, зулм, мунокаша ва майдакашликларга диккатни каратган.

Машхур “Утопия” китобининг муаллифи англиялик Томас Мор золим хукмдор тўгрисида баҳс юритиб, “Ўзгалар ох-воҳ чекиб йиглаётган бир пайтда дабдаба ва хузур-халоватда кун кечириш – бу давлатга эмас, зинданга коровул бўлиш демак”, деб таъкидлайди.

Хамлет эса “Дания – зиндан” дейди. Розенкрацнинг “Унда бутун дунё – зиндан”, деган фикрига жавобан айтадики, “Балли, кўплаб камокхоналари, чохлари бўлган гаройиб бир зиндан, лекин энг кулинг ўргилсини – шу Дания”.

Хамлет хаклимиди шундай дейишга? Ха, хакли эди. Дания давлати котил кирол кўлига ўтган. Унинг бутун фикру зикри жиноятни бекитиш, Хамлетни авраб-алдаб, ўртадан ўйкотиш. Ахли сарой шу телбасифат хукмдор кўнглини овлаш, фармойишини бажариш билан овора. Халк эзиладими, инграйдими, ўлиб ё тириладими – бу билан бирорнинг иши

йўк. Хамлетни мана шу дахшатга солади. Зулм ва разолат занжиридаги Дания уни бехад бездириб, эзиз юборади. Хамлет бир вактлар: “Замон издан чикди, о, бу машъум бир алам, Уни изга солмок учун тугилгандайман”, деб ўйлаган бўлса, нихоят хаммасидан чарчайди. Хамма-хаммасига кўл силтайди: хатто севгилисига хам.

Издан чиккан замонасини Хамлет изга сололмайди. Мурод-максадига эришолмайди. Аммо у маглуб хам эмас эди. Тафаккур ва виждонда, тўгрилик ва хакикатда енгилмаган Шахсни маглуб дейиш ноинсофлик. Шу маънода Хамлет голиб эди. Музофар эди. Мухаббатда хам шахзода йўлни тўгри танлай билганди.

Хамлетнинг кўнгли совиганини сезган Офелия севгилисидан олган хадяларни кайтара туриб дейди:

“Энди ола колинг, чунки номусли кизлар,  
Бевафонинг совгасига назар солмаслар.

Марҳамат.

Хамлет: О, сиз номусли кизмисиз?

Офелия: Милорд?

Хамлет: Яна латофатлисиз?

Офелия: Нима демокчи бўласиз, шахзодам?

Хамлет: Демокчиманки, номусли ва латофатли бўлсангиз, сиздаги номуснинг латофатга сира алокаси йўк”.

Наҳотки! Офелияни Хамлет яхши кўрганми? Яхши кўрган. Маъсумлигига ишонганми?

Ишонган. Нима учун яна ажаблангандай, кизнинг устидан кулгандай, уни калака килгандай, “О, сиз номусли кизмисиз?” дея сўраш керак? Умуман олганда, Офелия бегунох. Бирок у кимнинг фарзанди? Кандай мухитда тарбияланган? “Хамлет унда бузук сарой муҳрини кўрган... Оддий маънода Офелия покиза, айни пайтда у – кандайдир нопокликнинг бир парчаси хам”, дейди инглиз олими Кетти. Офелияга нисбатан Хамлет балки хаддан зиёд шафкатсизлик килгандир. Савол ханжари или маъшукаси кўнглини тилиб ташлагандир. На чора? Ахир, ким биландир тақдирини бogaётган кишига насл-насабни унут деб бўлмайди-ку! Айникса, Хамлетга!

Одам кисмати чини билан жуда чигал. Бир “тугун” очилса, иккинчиси очилмайди, бир “ришта” bogланса, бошка бири чирт узилади. Хамлет Офелияга “Мен сизни севмаганман”, деса-да, ундан кўнгил узолмайди. Поклик, мусаффолигингни асра, деган мазмунда: “Хеч биримизга ишонма. Яхшиси узлатга чекин... Кордек ок, муздек мусаффо бўлсанг хам, тухматдан кочиб кутуломмайсан. Узлатга чекин, узлатга...” дейди.

Дарвешлик маслагида узлат гунох ва гунохкорлардан, жаҳл ва жохиллардан четлашиш. Шунингдек, ўткинчи ва кераксиз ишларга машгул бўлиш билан умр кечирадиган мунофик, товламачилардан узоклашмоқдир. Узлат деганида Хамлет шундай маъноларни кўзламаганми? Балки у Офелияни рохибаликка унdagандир? Нима бўлмасин, Хамлетнинг кайта-кайта “Узлатга чекин, узлатга” дейишида шарклик дарвеш ёки мутасаввиғ нуктаи назарига тескари бир иддао йўк.

Хуллас, “Хамлет”нинг аслиятдан таржимаси, асар моҳияти ва бадиий оламини янада кенгрок, пухтарок билиш, унга янада якинлашишга илхомлантириши шак-шубҳасиздир.

VIII

Эски манбаларда айтилишича, бир хокон хат ёзганда, ўзини мамнун этадиган даражада гўзал бўлса, дархол уни йиртиб ташлаб, бошка бир мактуб битар экан. Ундан бунинг сабабини сўрашганда, “Чиройли сўз кибр воситаси бўлур”, деган. Кадим Хитой файласуфи Лао Эр эса “Чиройли сўз – ёлгон сўз”, дейди. Бадиий ижодда сўзнинг гўзали

- дехкондай оддийси, табиийси, дард билан топишгани. Маъно агар тоза бўлмаса, чукурлик касб этмаса, самимиятга инонтиrolмаса, сўз жарангию, туйгу жилваси ёкимсиздан ёкимсиздир. Шекспирнинг матн устидаги меҳнатини тасаввур этсанг, беихтиёр “Сўзнинг жонига, чидамига балли!” дегинг келади. “Отелло”нинг охирги сахналаридағи драматик манзаралар, Дездемона ва Отеллонинг ўлим олди холатлари – буларни сўз билан гавдалантиrmок учун сеҳргарлик керак. Шекспир эса хакикатда сўзнинг магик куч-куватидан фойдалана билган санъаткор. Ўлмас “Отелло” трагедияси хам бунинг бир мисоли. Нечоғлик кайгули, мунгли бўлмасин, у дунёдаги энг гўзал севги киссаларидан биридир. Бу кисса жозибаси кишини сархуш айлайди. Отеллони ошик десангиз – мард ошик, Дездемонани маъшука десангиз – дилбар маъшука.

Юрак-юракдан бир-бирига уларнинг талпиниши, хис-туйгулардаги муштараклик лахзалари бир тушга ўхшайди. Румийнинг бир ажойиб рубоийси бор:

Дилдор зариф аст, гунохаш ин аст,

Зебову латиф аст, гунохаш ин аст.

Охир ба чи айб мегурезанд аз ў?!

Аз айб афиғ аст, гунохаш ин аст?

Мазмуни: дилдор нозикфаҳм, зийрак, гўзалдир – гунохи шу. Нихоятда зебо ва латофатлидир – гунохи шу. Ахир, нима айби учун ундан кочишади? У мутлако беайб мусаффодир – гунохи мана шу! Ушбу сўзлар гўёки Дездемонани ўйлаб, шу санам таърифи учун битилганга ўхшайди. Унинг хам “гунохи” – латифлиги, “айби” – покизалиги. Отелло дилида кўзгалган ишк ва номус кураши хамма тоза хисларни кул килиб юборишини у аклига якин хам йўлатолмасди. Ахир, Дездемона аслзода, саркарда араб ўглонининг жону жаҳони эди. Эри уни мажнун бўлиб севганди.

Тухмат балоси кутилмаган ёқдан Мавр калбига чант солади. Яго отлиг малъун Отеллони шундок аянч бир холатга соладики, у англаб-англолмай, кўриб-кўролмай, эшитиб – ишонолмай колади. Жангужадалларда чиниккан, не-не хавфу хатарларни енгиб ўтган софдил, матонатли бир шахс Ягонинг кўгиричогига айланади. Нима учун? Отелло шарклиқ. Шарқ одами инончлидир, калбга, калб таассуротларига тез ва осон берилади. Кўнгил, номус дейилдими – хаммасини унутади. Кўнгил хаётига алоҳида ахамият берганлигидан у хиссиётли. Серҳаяжон. Шу боисдан кўп холларда унинг хис-туйгуларини акл жиловлолмай колади. Шунда у узокни кўролмайди. Шунинг окибатини холис мухокама этолмайди. Отелло образини яратишда Шекспир масаланинг шу томонларини тўла-тўқис инобатга олган эди. Отеллога Яго хужум бошлаган илк “майдон” – Маврнинг ишончи бўлганлиги тасодиф эмасди:

Унинг менга эътиими, ишончи баланд,

Бу кўл келар ниятимнинг ижроси учун.

Ягонинг Кассиога хам адовати бор: у кўз тиккан мартабага Кассио лойик кўрилган.

Демак, унинг хам илдизига болта урмок шарт. Флоренциялик Кассио келишган йигит.

Дездемонанинг хурмат-эътибори унга ёмон эмас. Пайт пойлаб “кора араб”нинг кулогига “Кассио хотининг билан опок-чопок...” деб кўйилса – вассалом:

Мавр табиатан софдил, содда эмасми,

Бу гапларга ишонади, лакка тушади.

Ха, мукаррар шундок бўлур: жаханнам ва тун

Ёпирилиб, босар жумла жаҳонни бутун...

Булар хали режа, натижага кадар бўлган йўлни довдирамасдан босиб ўтиш лозим эди.

Бу йўлчиликда ўзни кандай тутиш, кандай “хунар”лар кўрсатиш, канчалик тубанлашиш –

Шекспир буларни дохиёна бир санъат билан тасвирлаб берган. Яго характерининг гоявий-бадиий талкини – инсон мохиятини очишдаги Шекспирнинг буюк хизмати хисобланади. Одам калби ва номусига Яго ўтказган зулм ва жафо жаханнамда хам учрамас. Отеллонинг шубха оташида ўртаниб ёнишлари, “Мен кўкларга совураман ишкимни буткул, Кўзгол бўм-бўш жаханнамдан, кора интиком!” дея ох-фарёд чекишлирини тинглаб, дўзах азоби хам бунчалик бўлмасов, дегинг келади.

Кабохатни Яго макр ва хийла ила яшира оладиган кимса. Гафлат копконига тушган Отелло буни на сезади, на гумон кила олади. Унингча, “Яго – халол йигит”. Доно одам. Ягонинг кимлиги ва килмишларини хаёлга келтирмаса хам унга “Мен биламан, окибатли, номуслидирсан”, дейди. Холбуки, Яго аллакачон унга карши ичдан жанг эълон килиб, касосга бел болаган. Сабаб нима интикомга? Биринчи сабаб – хасад. Отелло тагли-тугли мард йигит. Мартаба-мавкеи хам баланд. Дездемонадай иффатли, доно, садокатда тенгсиз бир малакнинг умр йўлдоши. Мана шуларнинг барчаси Яго багрини тилка-пора этади. Табиатан у ахмок, овсар, хавоий бир кимса эмас. Катъиятсизлик, бўшанглик, ўз фойдасини билмаслик, фикрсизликни Яго ёмон кўради. Масалан, Микель Кассиога “Кари бир кизчалик фикр этмайдиган зот. Нари борса, китобий бир билим эгаси... Гап сотишга уста, лекин амалдан йирок”, дея баҳо беради. Умуман, давлат мулоғимлари, амалдорлар тўгрисидаги мулоҳазаларига хам эътиroz билдиrolмайсиз: Биласизки, канча содик муттаҳамлар бор.

Хўжайнинга хизмат килар, тизза чўкиб хор...

Лекин бордир яна бошка мулоғимлар хам –

Кўринишда садокатнинг тимсоли, аммо

Юраклари ўзларидан ўзгани билмас.

Хўжайнини учун куйиб-пишади гўё,

Аслида-чи, хамёнини тўлдиради, бас.

Бошканимас, ўз-ўзини эъзозлайди, ха.

Ўйлайманки, бундайларда аклу тамиз бор.

Таксир, мен хам шундайларнинг бири бўламан...

Ўзгаларни танқид килиш, айблаш осон. Ўзини иккюзламачи, ўзидан бошкани ўйламайдиган юлгичлардан бири сифатида эътироф айлаш – бунакаси бенихоя сийрак учраса керак. Бу ўринда масаланинг бошка бир жихати, тўгрироги, асосий кирраларини унутмаслик лозим. Юзига никоб тортиб яшайдиган кимса асл киёфасини кўрсатмасликка уринади. Дили хасадга таслим кишининг рости нимаю, ёлгони нима – буни фарклаш мушкул. Яго шунака махлук. Хасад ва хусуматдан ичи корайиб кетган, бирок хеч тап тортмасдан “Мен – бир оккўнгил одам...”, деб сўзлайверади. Отелло калбida рашк оловини гуриллатиб, Мавр ахволига ачингандай “Тангрим, авлодимни асра рашк балосидан!” дея илтижо килади. Суврат ва сийрат бирлигидан у тамоман йирок, лекин Отелло ишончига янада чукуррок кириб боришни кўзлаб, “Бир хил бўлур эр кишида суврат ва сийрат, Агар бир хил бўлмас эса, унга минг лаънат” демокка куч топади. Зўр келганда эса ўзни “фош айлаш” оркали яшириниш “усули”ни ишлатади:

... Бир ўлат бор каби гўё табиатимда –

Хамма жойда излаганим нукул хиёнат

Хиёнатни кўргандайман хар бир кадамда...

Бу гап хам дил каърида хуруж килиб ётган хиёнатни хаспўшлаш максадида айтилган.

“Кора кўчкор”, “араб айгири”, “кора шайтон” дея тахкилагани Отеллодан Ягонинг жабр чеккан бир жойи йўқ. Кассио билан муносабати хусусида хам шундай дейиш мумкин.

Маълумки, шубха, гумон ахлокий кучизлиқ, маънавий ожизликнинг асосий “унсур”и. Тухмат ва бўхтон ана шуни бекитишнинг жирканч бир усули. Яго хам шу усулга ёпишади: Аён гапки, мен Маврни ёмон кўраман, Хотиним-ла дон олишган деган гаплар бор. Аник билолмадим, бу гап чинмидир, ёлгон? Лекин менга кифоядир ана шу гумон...

Ягонинг Маврни ёмон кўриши рост. Хотини билан “дон олишган”лиги хакидаги тахмини ёлгон. Бу уйдирмага унинг ишонмаслиги шундок билиниб турибди. Асл максад Отелло багридан Дездемонани юлиб олмок: “Хотиним-чун хотинини олмагунча то Бирор нарса юрагимга бермас тасалли...”

Хуллас, Яго “универсал” каҳрамон. Хар бир ижтимоий табаканинг – ишчи ёки у хизматчими, ижодкор ё олимми, санъаткор ё дин ахлими, бундан катъий назар, ўзининг яголари бўлади. Яго фалсафасининг асосий мазмуни эса, “Мен ёлгиз ўзимга хизмат киламан! Ўзим учун яшайман...”

## IX

Шекспир яратган образларнинг аксарияти – хамма давр, барча замонларга мансуб образлар. Давлат ва салтанат бор экан, у ёки бу минтакада, у ё бу тарзда Хамлет гам-кулфати кайтарилаверади. Кирол Лир оламдан ўтиб кетгани билан Лирни йўлдан озириб, манманлик жарига кулатган майллар ўлмаган... Мустабидлик тарихи – узок ва давомли тарих. Демак, Макбетни унутишнинг иложи йўк. Канчадан-канча одамлар сохта саховат, бетайин химмат курбони бўлишган. Шўрлик Тимон ахволи уларнидан минг карра аянчли. У бири-биридан риёкор, беокибат хушомадгўй – нафс бандаларига инониб, бор-будидан ажралади. Одамга канча ишонган бўлса, ўшанча ундан безади ва кочади. Алалошибат, унинг кўзига жумлаи жаҳон талончиҳонага ўхшаб кўринади:

Йўкол хамманг! Аямасдан бир-бирин таланг,  
Ўзингиздан нафратланинг. Ха, мана олтин:

Олинг, яна учрагани сўйинг, бўғизланг,  
Унутмангки, учраганинг бариси – ўгри.

Бойлик хукмрон, пул, олтин хирси галаён айлаган жойда бундан бошкacha бўлмайди.  
Афиналик сармоядорнинг мусибати курраи заминда бир хил.

Тимон образи оркали Шекспир инсон психологиясининг энг мубхам, айтиш жоизки, энг коронгу “тўша”ларини хам ёритиб берган. Шу кадар реал ёритганки, Тимоннинг “Сенга ёлгиз бир шартим бор: одамлардан коч! Хаммасига лаънат ўки! Шафкатни унут...” деган сўзлари ўкувчида кескин эътиroz тугдирмайди. Зоро, алданган, хушомад ва мактовга буркаб ташланган, дўст, биродар, улфатим деган кимсалардан чўнг окибатсизлик кўрган одам “Мен севмайман, жирканаман ахли башардан!” дейиши гайритабиий бир икрор эмас. “Афиналик Тимон” – бу хаёт сахнаси. Хаётда Тимонникига монанд саргузашт ва фожиалар тез-тез учраган, хозир хам бор, кейин хам такрорланаверади. Бирок Тимон айтган юкоридаги фикрларни асло кабул килиб бўлмайди. Бу образ, инсонни чукуррок билмай юракка якинлатиш, ахмокона хотамтойлик кишини кандок боши берк кўчаларга торткилаши ва устига кандай бало-казолар ёғдиришини тушуниш маъносида ибратлидир. Шекспир трагедияларидаги образлардан кўпчилигининг тақдири ва ахвол-рухияси кишини каттиқ ўйлатади, фикрдан фикрга, зиддиятдан зиддиятга йўл очади. Бунча ёвузлик, бунча хасад, хусумат, бунча макр, риё, бу кадар кийну адсоват, каҳру газаб инсон калбига каёндан ва кандай килиб кириб боради? Кандай томир ёзиб, улгаяди? Бошка бир юракни кандай маҳв айлайди?

Буюк Шекспир ана шундай саволларга – асрлар мобайнида башариятни кийнаб, какшатиб келган жумбокларга жавоб излаган. Унинг изланишлари – санъаткор, файлсауф, муаррих ва мутафаккир куйиб-ёнишларини ўзида мужассамлаштирганлиги билан хам алохида киймат касб этади. Шекспир учун тарих бир восита. У трагедиларида асосан ўзи яшаган хаёт гам-гуссалари, одамлар орасидаги тортишув ва курашлардан юзага келган фожиаларни акс эттирган. Шекспир одам бундок бўлмоги керак, мана сенга идеал инсон тимсоли, деб таъкидламаган. Аксинча, кўзни каттарок очиб кара, фикрла: мана, сен мактаган, улуглаган инсоннинг ахволи, яхши ва ёмонлиги; бир-бирига муносабати, хаётдаги ўрни, деган тушунча асосида ижод килган. Ягони ким дейсиз? Одамми у? Яго жасад ичидағи хасад, худпарастликнинг олий тимсоли. Канча яхшилик, канча химмат ва меҳрибонлик кўрмасин, бари бир Яго разил – ёмонлик килади. Хатто Макбет унчалик мараз ва жирканч эмас. Уни писмиклик ёки кўркоклиқда айблай олмайсиз. Макбетдаги хокимиятпарстлик, мустабидлик хирси – даҳшат.

Хуллас, хаёт хакикатларига содикликда, инсон табиатига хос – хоҳ манфий, хоҳ мусбат, хоҳ юксак, хоҳ тубан ва жирканч – ҳар кандай хис-туйгу, фикр ва тушунчани бўямай, бежамай характер яратишда Шекспир панжасига панжа урадиган санъаткор жаҳон адабиётида камдан камдир. Вакт бир жойда тўхтаб колмаганидек, давр ўзгариб, замон алмашиниб бораверади. Шекспир асарлари мазмун-моҳиятига булар соя ташлай олмагани сингари, гоявий-мафкуравий тўсик хам кўёлмайди. Шекспир асарларни бемалол ошиб ўтадиган, инсоният мавжуд экан, таъсири сусаймайдиган хис ва хакикатларни тасвиrlаб берган. Дездемона – софлик ва садокат маъбудаси. Хеч бир давр кишиси унга бошкacha баҳо беролмайди ва уни ўзгача киёфада тасаввур хам этолмайди. Ягочиликни илдиз-илдизидан куритиш – бу Одам кавми кони ва жонидан хасад, адоват, касос хирсини йўкотиш демак. Бунинг эса сирайм иложи йўқ. Демак, башарият Шекспирни ўкиб, ўрганиш, унинг инсоншунослик мактабидан таълим олишга хамиша муҳтоj.

Х

Шекспир таваллудининг тўрт юз йиллиги муносабати билан Москвада босилган бир китобда “Шекспир Чехославакияда”, “Шекспир Эстонияда”, “Шекспир Болгарияда”, “Шекспир Грузияда”, “Шекспир украин адабиётшунослигида” номи остида маколалар берилган. Шекспирнинг канча юрт, канча мамлакатга кириб борганлиги шу йўсинда аникланадиган бўлса, дунёдаги хеч бир йирик давлат, хеч бир миллат номи четда колмайди. Буюклиқ ва бокийликда бундан зиёд яна канака “хужжат” лозим? Биз хам “Шекспир Ўзбекистонда” дейишга хаклимиш.

Шекспир драмалари таржимасига кўл урган ижодкорларни эсланг: Чўлпон, Гафур Гулом, Максуд Шайхзода, Аскад Мухтор...

Дунёга довруг таратган Шекспир трагедиялари қаҳрамонлари ролини ўзбек театри сахнасида ижро этган актёрлар кимлар эди? Аброр Хидоятов, Олим Хўжаев, Сора Эшонтураева, Шукур Бурхон, Наби Рахимов...

Бундан йигирма икки йил мукаддам Она тилимизда Шекспир асарларининг беш жилда босилиши маданий хаётимизда улкан воеа бўлган эди. Ўтган асрнинг тўксонинчи йиллари бошларида Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол томонидан илк бора инглиз тилидан ўгирилиб, Шекспирнинг беш драмасини ўз ичига олган “Отелло” китоби нашр этилди. Таржимон аслиятдан ўгириш ишига киришиб кетиб, адабнинг ўн иккита энг етук асарини ўзбекчалаштируди. Бу айтишга осон. Бундай меҳнатни уddaлаш учун тил билишдан ташкари, Шекспир дунёсига зўр ихлос, юксак дид ва илҳом билан кира билиш

ва чинакам шоирона маҳорат зарур. Таржимада аслиятдаги кўнгил оханги, руҳий манзара, маъно товланишлари ўзининг ёркин ифодасини топмаса, китобхон уни қабул килмайди. Бизнингча, Жамол Камол улуг Шекспир қаҳрамонларини ўзбекчада нуксонсиз гапиртира олган. Унда Сиз она тилимизнинг куч-кудрати, гўзал ва латифлиги, сехр ва жозибасини чукур хис этиб турасиз. Тил – дилнинг қалити, мазкур таржималарга биринчи галда мутахассислар, хусусан таржимашуносларнинг пири Гайбулла Саломов юкори баҳо берганлиги бежиз эмас. Ўйламизки, уларнинг хар бири алоҳида ўрганиш ва фикр айтишга лойикдир. Хукмингизга ҳавола этилаётган ушбу “Сайланма” бир таржимоннинг ўн икки таржимасини ўзида жамлаши ва китобхонларга етказиши билан хам алоҳида эътиборга моликдир. Яна бир диккатга сазовор томони...

## XI

Бизнинг дилкаш, меҳрибон шофирконлик бир акамиз бор. Ҳаётнинг оку кораси, пасту баландини яхши билгувчи, донишманд инсон. Энг севимли машгулоти – китобхонлик. Фикри меҳнатдан тўхтаб, занглаб колмаганлиги боис хам кўп мutoала килади. Тарихчи билан – тарихчидай, файласуф билан – файлсуфдай сўзлаша олади. Мусика, адабиёт, хусусан, шеърият – жону дили. Навоий, Бобур, Кодирий ё Ойбекдан гап бошланса, кўзлари ёниб, баъзан хатто ёшланиб кетади. Рус адабиёти классикларини чанкоклик или ўқиб ўрганганди. Масалан, Толстой бобо тўғрисида у киши билан соатлаб гурунглашмок мумкин. Ясная Полянага атай бориб, Толстой мозорини зиёрат хам килган...  
Хуллас қалом, кайси бир мавзуда у киши билан сухбалашманг, дил яйраб, акл каноатланади. Ўтган йил охирларида у киши Жамол Камолнинг иттифоко бир маколасини ўқиб колади. Буюк актёrimiz Олим Ҳўжаевни хотирлаб ёзилган ўша маколада шундай жумлалар бор: “Сабабдан-сабаб, дейдилар, раҳматли Олим Ҳўжаев сабабчи бўлди-ю, “Хамлет” таржимасига кўл урдим. “Хамлет” таржимаси сабаб инглиз тилини ўргандим. Инглиз тилини билганим боис Шекспирнинг энг етук ўн иккита асарини она тилимизга ўгирдим... Ва нихоят, мана, уларни яхлит холда китобхонларга такдим этиш орзусига тушдим. Уч жилдга жамлаб, нашрга тайёрладим...  
Аммо, хайхот!... Бугун Олим Ҳўжаев йўк... Ҳаттоки уларни нашр этиш учун зарур маблаг хам йўк...”.

Жамол Камолнинг куйинишини хам, хаяжонини хам тушуниш мумкин. Не-не машаккат билан, заҳмат чекиб килинган таржималар когоз папкаларда жамланиб, босилмай ётса, албатта, кўнгилда бундан ачиниш, куйиниш кайфияти уйгонади... Колаверса, Шекспир ҳалкимиз юрагидан жой олган, “Кирол Лир”, “Отелло”, “Хамлет”, “Макбет”, “Кориолан” каби шоҳ асарларни ўқиган, сахнада кўрган элнинг бу буюк ижодкорга меҳру ихлоси багоят баланд. Биз маданиятимиз, маънавиятимизни Шекспир, Данте, Гёте, Бальзак, Пушкин, Толстой, Чехов... сингари даҳоларсиз тасаввур килолмаймиз, мабодо шундай киладиган бўлсак, унда ихтиёрий равишда маҳдудликка юз тутамиз. Оллоҳ ана шундан асрасин. Менинг ўйлашимча, хеч качон бундай бўлмайди. Биз энди бировларнинг оғзига термулиб, чизган чизиги бўйича елиб-югурадиган миллат эмасмиз. Мутелик, ношудлик, кўркув ва соткинликдан кутулишга азм этган элмиз. Маданият, маънавият ва адабиёт атрофида бирлашув хам мукаррардир. Буни тасдиклайдиган далиллар этиб ортади. Макола сўнгига Жамол Камол “Шекспир нашр этилади. Бу хайрли ишни кўллаб-куватлайдиган олийжаноб инсонлар топилади”, деганда адашмаган. Шунака одамни бугун Шекспирнинг “ўзи” топганига нима дейсиз?  
Биз сизга таърифлаган акамиз Шекспирга хам муhibligидан, “Отелло” китобини топиб,

кайта ўкийди. Бу гал ўкишда “Хамлет” кўнглини янада кучлирок ўртаса, “Афиналик Тимон” уни янги, аммо оғир мушоҳадаю мулоҳазалар билан чулгаб олади. Рости гап, шу одам шарклик бирор ижодкор китобини чиказишга пул сарфласа, мен асло ажабланмасдим. Лекин Шекспирнинг уч жилдлик сайланмаси нашрига хомийлик килиш ташаббусини бўйнига оларкан, бундан хам кувондим, хам хайратландим.

Демак, Шекспир биздан йирок эмас. Демак, Шекспир яратган қаҳрамонларнинг дарди, ҳасрати, кайгу ва кувончлари, адашув ва изтироблари юртдошларимиз калбида аск-садо бераверади. Зеро, Шекспир мероси – абадий сўнмас машъала. Унинг нури неча асрларким, дунё ҳалкларининг кўнглини мунаvvар этиб, ўз теграсида бирлаштириб келади, инсонларни инсонларга танитади, элларни элларга якинлаштиради, хеч качон зулматнинг зиёдан голиб келолмаслигига китобхонни хам, томошабинни хам ишонтиради, йўлдан адашганларга йўл кўрсатади, эзилган, жабру чекканларни суюйди... Кечмиш айёмлар тарихи буни яккол тасдиклаб турибди.

Ўйлаймизки, маҳдуд мафкура бўғовларидан буткул ҳалос бўлган хур ва эркин тафаккур шекспирхонликни янги боскичга кўтаради. Ҳалкимиз Шекспирни ўкийверади. Шекспир асарлари бизга мангу маънавий йўлдош бўлиб колади. Ва мислсиз ижод замонлар оша барча насллар учун маънавиятнинг юксак манзилларини ёритувчи ёркин бир машъала ўларок, яркираб, нур сочиб, яшайверади.